



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Адл ила олам юзин обод қил!

# Куч – адолатда

2025 йил  
15 август,  
жума  
№ 35  
(1069)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНЦИЯ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 август куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Франция Республикасининг Фаёкулодда ва мухтор элчиси Орелия Бушезни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Франция элчисининг самарали фаолияти ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги ўзаро ташрифлар Ўзбекистон – Франция ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, унинг кун тартибидан аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Турли даражаларда тизимли мулоқот ва фаол алоқалар йўлга қўйилган. Савдо-иқтисодий соҳада сезиларли муваффақиятларга эришилди: кейинги йилларда товар айирбошлаш 4 баробар кўпайди, Франциянинг етакчи компания ва ташкилотлари билан умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида муҳим

дастурлар амалга оширилмоқда. Лувр музейи ва Араб дунёси институтига кўрғазмалар катта муваффақият билан ўтди.

Париж шаҳри яқинида Бернарий хайкали очилди. Франция пойтахтидаги кўчага Самарқанд номи берилди. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Франция университети ўз ишини бошлайди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Франция Республикасининг Фаёкулодда ва мухтор элчиси Орелия Бушезга мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси учун "Дўстлик" орденини топширди.

Элчи хоним унинг дипломатик миссияси юксак баҳолангани ҳамда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди. **ЎЗА**

## ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Юрт ободлиги ва аҳоли саломатлигида катта ўрин тутадиган бу соҳага замонавий ёндашувлар олиб кирилмоқда. Охириги уч йилда барча манбалардан 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Ўтган йили Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Чиқинди корхоналари учун 1 минг 200 та янги техника олиб берилди. Маҳаллаларда чиқинди майдончалари қурилди. Тўплаш ва ташиб кетиш яхшилانгани натижасида бу тармоқ иккиламчи хомашё манбаига айланди.

Авваллари давлат монополиясида бўлган соҳада тадбиркорликка йўл очилиб, қўлай бизнес муҳити яратилди. Жумладан, санитар-тозалаш ҳамда чиқиндини қайта ишлаш корхоналари учун фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди. Четдан олиб келинадиган техника ва ускуналар импорт божидан озод қилинди. Натижада 200 га яқин санитар-тозалаш ва 290 та чиқиндини қайта ишлаш корхоналари очилди.

Тақдимотда мутасаддилар соҳадаги лойиҳаларнинг бориши ва галдаги режалар ҳақида ахборот берди.

Юртимизда йилга 14 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Лекин уларни қайта ишлаш даражаси паст. Сўнгги йиллардаги лойиҳалар натижасида бу энди 5 фоизга етди.

Чиқиндини ёқиш орқали энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Хитойлик инвесторлар 6 та вилоятда шундай заводлар қураётди. Давлат чиқинди утилизацияси учун уларга тўлов қилиш билан бирга, ҳосил бўлган энергияни сотиб олиш бўйича ҳам мажбурият олаётди.

Яқинда Тошкент шаҳрида тиббиёт чиқиндисини ёқиш, иссиқлик оладиган иккита корхона ишга туширилди. Яна Самарқандда 2 та, қолган ҳудудларда биттадан шундай заводлар қурилиши мўлжалланган.

Маиший чиқиндиларнинг тўртдан бири қоғоз, пластик, резина, тўқимачилик қолдиқларига тўғри келади. Уларни қайта ишлаб, 1 триллион сўмлик маҳсулот олиш мумкинлиги айтилди. Бундан ташқари, юртимизда қайта ишланмайдиган қурилиш, кимё, электрон, техник ва саноат мойлари бўйича катта захира борлиги кўрсатиб ўтилди.

Чиқиндини ташиб кетиш хизматлари аҳолини рози қиладиган даражада бўлиши кераклиги таъкидланди. Шу боис маҳаллага чиқинди техникасининг келиш вақти ва ҳаракатини онлайн кўриш имкониятини яратиш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий муассасалар ва маҳаллаларни чиқинди контейнерлари билан тўлиқ таъминлаш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқилиши белгиланди. Аҳолида экологик маданиятни боғча ва мактабдан бошлаб шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вақт ва маблағларини тежаш, турли қоғозбозликларнинг олдини олиш, низоларни тарафларнинг ярашувига асосан тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ҳуқуқ институтлари изчил ривожлантирилди. Хусусан, медиақия институти ва ҳакамлик судлари томонидан низоларни судгача ҳал қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

### ■ Моҳият



## ЯНГИ ҚОНУН:

### МЕДИАЦИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бу ҳақда сўз борганда, жумладан, 2019 йилда “Медиақия тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Ўз навбатида, Президентимизнинг 2020 йил 17 июнда қабул қилинган “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айтилишидаги ишловларда янги босқични бошлаб берди.



**Абдулҳаким ЭШМУРОДОВ,**  
Олий Мажлис Сенати  
Суд-ҳуқуқ масалалари  
ва коррупцияга қарши  
куралиш қўмитаси раиси

(Давоми 3-бетда) ►

### ■ Ҳуқуқий маърифат

## Бебаҳо экологик тизимни сақлаш —



### БИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР

Янги таҳрирдаги Конституциямиз Муқаддасида эътироф этилганидек, биз «мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойлиқларини қўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб», ушбу Конституцияни қабул қилганмиз. Асосий қонуимизнинг 49-моддаси тўлалигича экология ва атроф-муҳит ҳимоясига оид нормалардан иборат.

(Давоми 4-бетда) ►

## Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, ҳакамлик судлари фаолиятини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

### ■ Парламент фаолияти



### СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИГА ПУТУР ЕТКАЗМАСЛИК ТАЛАБЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муноса-

батларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-ма-модда кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ҳаётда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда шошмашошарликка йўл қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Аниқроқ айтганда, айби қонуний тарзда исботланмай туриб, ходимни ишдан четлатишга уриниш турли хил дилхиралликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

### ■ Қонун кўмаги



## Қистов остида ЁЗИЛГАН АРИЗА

ноқонуний буйруқ суд тартибидида бекор қилинди, ходим ишга тикланди

Давлат кадастрлар палатаси Пахтачи тумани филиали раҳбари З.Нуриллаевни (исм-шарифлар ўзгартирил-

ди) кутилмаганда шошилнч тарзда вилоят бошқармасига чақирди.

(Давоми 2-бетда) ►

### ■ Муносабат



## Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари:

### ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва Эркинликларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга ривож этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда миллий давлатчилик, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат таъминлашнинг мустақкам пойдевори барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан шундай таъкидланган: “Айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда, «Ўзбекистон — 2030» стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқа-

ларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда беқиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда”.

Бу фикрларнинг нақадар тўғрилигини қуйидаги аниқ далил ва рақамлар яққол кўрсатиб турибди:

- миллий иқтисодиёт жадвал ўсиши натижасида қисқа даврда тарихда биринчи марта мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 110 миллиард АҚШ долларидан ошди;
- юртимизда мактабларнинг янги модели — ижодий,



**Акмал САИДОВ,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази директори,  
академик

ихтисослаштирилган ва Президент мактаблари тизими яратилиб, мактабгача таълим тизимида қамров даражаси 2017 йилдаги 27 фоиздан — ҳозирги 77 фоизга, олий таълимда 9 фоиздан — 42 фоизга ўсди;

- спортчиларимиз илк бор Париж Олимпиадаси ва Паралимпиадасининг кучли ўн бешта жамоаси қаторига кирди, Ўзбекистон тарихида биринчи марта футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси, шунингдек, футбол бўйича миллий терма жамоа жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда) ►

### ● Мезон

## Оила судьялари

оилалар мустақкамлиги, фарзандлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда



Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг 76-моддасига кўра, оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих  
тилсими

**Абдулла Қодирий ва  
Амир Умархоннинг  
КАНУЗИ**

◀ (Бошланиши ўтган сонларда)

**ТУРОН КЛЕОПАТРАСИ**

“Мунтахаб ат-таворих” асари Қўқон хонлиги тарихи ҳақида маълумот берувчи муътабар илмий манба, унинг муаллифи эса, XX асрга қадар яшган энг машҳур тарихчилардан бири бўлишига қарамай, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да Мухаммад Ҳакимхон ва унинг асари ҳақида бирор маълумот берилмаган.

**Наим КАРИМОВ,**  
академик

(Давоми 4-бетда) ►

## Парламент фаолияти

## Қонунчиликдаги янгиликлар

### ◄(Бошланиши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида “сунъий интеллект” тушунчаси, сунъий интеллектни жорий этиш ва ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг асослари, махсус ваколатли орган вазифалари, ахборот ресурсларини яратишда ҳамда ахборот тизимлари ишида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг умумий ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси инсоннинг ажралмас ҳуқуқларига сунъий интеллект технологияларининг салбий таъсир ўтказишдан ҳимоя қилишга қаратилган. Хусусан, сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сунъий интеллект технологиялари асосида

### МАЛАКАЛИ ҲАКАМЛИК СУДЬЯЛАРИ КОРПУСИ ШАКЛЛАНТИРЛАДИ

Мажлисда ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди. Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқиш жараёнида ундаги айрим нормалар юзасидан депутатлар томонидан бир қатор таклифлар билдирилган эди. Ушбу таклифлар масъул қўмита ва ишчи гуруҳ аъзолари томонидан чуқур таҳлил қилиниб, қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

Хусусан, доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судининг таркибида 5 нафар ҳакамлик судьяси бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талаб келгусида ҳакамлик судини ташкил этишда муаммолар келтириб чиқариши, айниқса, узоқ ҳудудлардаги ҳакамлик судларига 5 нафар ҳакам тўплашда қийинчилик туғилиши мумкинлиги инobatта олиниб, қўмита томонидан уларнинг сони 3 нафарга қисқартирилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат органлари, ташки-

ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслигига оид талаб белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш ва уни ОАВ ҳамда Интернетда тарқатганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

лотлари ва муассасалари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда. Ҳакамлик судлари томонидан ер билан боғлиқ, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳамда бюджетдан пул ундириш билан боғлиқ низолар ҳал этилмаслиги назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, эндиликда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди нодавлат нотариот ташкилоти томонидан ташкил этилиши ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил этишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, малакали ҳакамлик судьялари корпусининг шакллантиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-қУВВАТЛАШДА МУҲИМ ЧОРАЛАР



Мажлисда тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги 2 та кодекс ва 3 та қонунга тadbиркорларга энгилликлар беришга қаратилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тadbиркорлик субъектларига фойда солиғи ва мол-мулк солиғидан имтиёзлар бериш таклиф этилмоқда. Қолаверса, давлат муассасаси шаклида тузилган ҳудудий яйлов хўжалиқларининг доимий фойдаланишдаги яйлов ерларини ер солиғидан озод қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, энгил саноат ва хизматлар соҳасини, ипотека бозори ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва креатив паркнинг резидентларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзла-

### ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

### ◄(Бошланиши 1-бетда)

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ

Бугунги кунда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш, рақамли трансформацияни ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатишда инновацион ечимларни жорий этиш, давлат бошқаруви институтлари самарадорлигини тубдан ошириш бўйича илғор халқаро тажриба алмашиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

2025 йил март ойида БМТ Бош котиби “БМТ-80” ташаббусини ишга туширди. Айни ташаббус БМТ фаолиятини тубдан ўзгатириш – самарадорликни ошириш имкониятларини аниқлаш, ваколатларни бажариш тартибини қайта қўриб чиқиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги эҳтимолий таркибий ўзгаришлар ҳамда дастурларни қайта тузишга қаратилган.

Янги Ўзбекистон БМТ Бош котибининг халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, БМТ ва унинг асосий институтларини, замонавий воқеликка мослаштириш мақсадида, изоҳ қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Сўнгги йилларда БМТ билан ҳамкорлик мисли кўрилмаган даражага кўтарилиб, 160 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўзида Ташкилотнинг асосий тузилмалари ва институтлари, жумладан, БМТ-Хабитат ва ЮНИСЕФ раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрди, Тошкентда “БМТ-Аёллар” тузилмасининг ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистон БМТнинг барча тузилмалари фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимиз 2021 йилдан 2023 йилгача Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш таркибига кирди, 2024 йилда ЭКОСОС, ХМТ Бошқарув кенгаши, Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси бўлди.

Бу йил Ўзбекистон илк бор БМТнинг Озқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) кенгашига 2028–2029 йилларга мўлжалланган муддатга сайланди. ФАО кенгашига аъзолик Ўзбекистонга глобал аграр ва озиқ-овқат сиёсатини шакллантиришда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқишда, миллий ва минтақавий ташаббусларни тақдим этишда, шунингдек, лойиҳаларни илгари суришда ва қўшимча молиявий маблағларни жалб қилишда кенг имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадларининг (БРМ) Глобал индекси бўйича энг илғор бешта давлат қаторига кирди. БРМга эришиш доирасида БМТ билан ҳамкорликнинг янги беш йиллик дастурини имзолаш кутилмоқда. Давлат хизмати масалалари бўйича форум биргаликда ўтказилди. Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси 43-сессиясига фаол тайёргарлик қўрилмоқда.

Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 15 та резолюцияси қабул қилинди. Фақатгина 2025 йилнинг ўзида мамлакатимиз Бош Ассамблеянинг 79-сессияси давомида қабул қилинган 3 та резолюциянинг ташаббускори ва ҳаммуаллифи бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу йил

### ■Муносабат

# Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари: ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

"6 август – Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва улар дуч келаётган ривожланиш соҳасидаги алоҳида муаммолар тўғрисида ахборот тарқатиш халқаро куни" биринчи марта 5-8 август кунлари Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида нишонланди.

Янги транспорт йўлаklarини барпо этиш, қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда энергетика ва сув ресурслари соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали Марказий Осиё минтақаси муваффақиятли интеграция намунасига айланмоқда.

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Жорий йилда жаҳон ҳамжамияти инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи мажбурий юридик шартнома – Ирқий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганнинг 60 йиллигини, шунингдек, замонавий ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг гендер мезонини бошлаб берган Аёлларга нисбатан Пекин платформаси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллигини нишонлайди. Мамлакатимизда ушбу саналарни нишонлаш бўйича, фуқаролик жамияти институтлари ва таълим муассасаларини кенг жалб этган ҳолда, кенг қамровли тadbирлар дастурлари амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий тузилмаларда фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда янги ташкил этилган МДХнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси раиси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон вакили Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 51-сессиясида ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси таркибига 2025-2028 йилларга мўлжалланган давр учун сайланди.

Июнь ойида Брюсселда Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва улар билан боғлиқ масалалар бўйича “Ўзбекистон – Европа Иттифоқи” кичик қўмитасининг 21-йигилиши бўлиб ўтди. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш, гендер тенглик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Инсон ҳуқуқлари – замонавий цивилизация тараққиёти даражасини кўрсатиш турувчи мезондир. Афсуски, дунёда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, геосиёсий ўзгаришлар ва қуроли мижоролар инсон ҳуқуқлари масалаларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон

Республикасининг Миллий стратегияси 2020 йилда қабул қилинган бўлиб, бу соҳадаги илк ҳужжат ҳисобланади. Миллий стратегияда белгиланган вазифаларни бажариш доирасида болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва аҳолининг бошқа қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди.

Миллий стратегия доирасида, шунингдек, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонунчилик асослари яратилди, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам берилди. Буларнинг барчаси ислохотларни тизимлаштириш ва халқаро мажбуриятларни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларини, айниқса, тинчлик ва адолатни амалга ошириш йўлида муҳим қадамлар бўлди.

Миллий стратегияни амалга ошириш доирасида сўнгги тўрт йил ичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бевосита алоқадор иккита кодекс, ўттиз учта қонун, ўн бешта фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг ўн битта қарори қабул қилинди. Фақатгина 2025 йилнинг ўтган даврида одам савдоси жинояти учун жазони қучатириш, оила ва аёлларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ушлаб турилган шахсларга нисбатан қийноқларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари сони йигирма бештага етди. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси 2021 йилда ратификация қилинди.

БМТнинг фуқаросизлиқни бартараф этиш бўйича тавсияларига мувофиқ тарихий ютуқларга эришилди. 1991 йилдан 2016 йилгача атиги 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2017 йилдан 2024 йилгача 80 миң нафардан ортққ киши Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди. Бу мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсат жамиятнинг ҳамма қатламларини қамраб олишга ва инсон қадр-қимматини том маънода ҳурмат қилишга қаратилганини баралла намоян этади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва унинг махсус тартиб-таомиллари билан фаол ҳамкорлик давом этмоқда. Ўзбекистон БМТнинг турли органлари тавсиялари асосида еттига миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Булар, жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш; аёлларга нисбатан камситишларга қарши курашиш; иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари; Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияс тавсияларини амалга ошириш; терроризмга қарши курашиш ва бола ҳуқуқлари бўйича режалардир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури ва Миллий таълим дастурини амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, таълим жараёнининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини жорий этиш бўйича кенг қамровли чора-тadbирлар амалга оширилмоқда.

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИ: ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

"Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиёт йили" Давлат дастури доирасида 2030 йилгача мўлжалланган Инсон ҳуқуқлари бўйича янги Миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу Миллий стратегия лойиҳасини тайёрлашда илғор халқаро тажриба, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари, шунингдек, ўтган давр мобайнида шаклланган миллий амалиёт инobatта олинди. Ҳужжатда Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини қўриб чиқиш доирасида тақдим этилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органлари тавсиялари ҳам ўз аксини топди.

Стратегия лойиҳасини тайёрлаш жараёни очиқ ва инклюзив тарзда олиб борилди. Давлат дастурида Миллий стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги масъул ижроочилар сифатида белгиланган бўлса-да, лойиҳани тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳга қўшимча равишда Олий суд, Парламент омбудсмани, Болалар омбудсмани, Бизнес-омбудсман ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вакиллари ҳам жалб этилди.

Шунингдек, Миллий стратегия лойиҳаси халқаро маслаҳатлашувлар жараёнида дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан бирга қўриб чиқилди ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси, ЕХҲТ ва БМТнинг Ўзбекистондаги тузилмаларидан тавсиялар олинди.

Хулоса қилиб айтганда, 2030 йилгача мўлжалланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия лойиҳаси олтига устувор йўналишни қамраб олади. **Биринчидан**, шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш. **Иккинчидан**, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқларни таъминлаш. **Учинчидан**, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш – бу энг фаол йўналиш ҳисобланади. **Тўртинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамияти соҳасидаги миллий институтларни ривожлантириш. **Бешинчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги маърифат ва таълимга катта эътибор қаратиш. **Олтинчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликка алоҳида аҳамият бериш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича янги Миллий стратегияда таклиф этилаётган вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини қўллаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини самарали амалга ошириш, шунингдек, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни кўзда тутди.

### ●Қонун кўмағи

# Қистов остида

шунингдек, муддатли меҳнат шартномаси исталган вақтда, тарафларнинг келишувига кўра, бекор қилиниши мумкин. Меҳнат шартномаси мазкур асос бўйича бекор қилинадиган сана ҳодим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра, бекор қилиш меҳнат шартномасига доир қўшимча келишув билан ёзма шаклда расмийлаштирилади, унда меҳнат шартномасини, меҳнат шартномаси бекор қилинадиган сана, қўшимча келишув тузилган сана ва тарафларнинг реквизи́тлари кўрсатилиши керак.

Меҳнат шартномасини, ушбу асосга кўра, бекор қилиш юзасидан низо чиққан тақдирда, судлар мазкур тартибга ва қўшимча келишув шартларига риоя қилинган-қилинмаганлигини текширишлари лозим.

Даъвогар 3.Нуриллаевнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасида меҳнат шартномасини 2024 йил 5 ноябрь кунидан бекор қилиш сўралган. Лекин иш берувчи томонидан даъвогарни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ 2024 йил 13 ноябр кuni чиқарилган.

воқеа ўтган йил 5 ноябрь кuni рўй берганди. Айнан шу санада 3.Нуриллаев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича иш берувчи билан Меҳнат кодексининг 157-моддаси талабидан келиб чиқиб, келишув битими имзоланади.

Хўш, 3.Нуруллаев ишдан қонуний тарзда бўшатилди-ми?

Бу саволга бир сўз билан “йўқ” деб жавоб бериш мумкин. Чунки аввало, Давлат кадастрлар палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси мутасаддилари туман филиали раҳбарини ишдан четлатиш ваколатига эга эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон қарори ҳамда Кадастр агентлиги директорининг 2023 йил март ойидаги 77-14-сонли буйруғига кўра, филиал раҳбарлари меҳнат шартномаси асосида Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Шу ўринда юқоридаги воқеага ойдинлик киритадиган бўлсак, бошқарма мутасаддиларининг қистови билан ариза ёзишга мажбур бўлади. Бу

вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори С.Маҳмудова юборишади. Ўз навбатида, С.Маҳмудов 3.Нуриллаев билан юзма-юз суҳбатлашмай туриб, устига-устак, шахсан ўзи ариза олмасдан туриб, 2024 йил 13 ноябрь санаси билан ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Буни қарангки, орадан кўп ўтмай Пахтачи туман прокуратураси томонидан 3.Нуриллаевнинг устидан шикоят қилган фуқаронинг мурожаати ўрганиб чиқилади. Шикоятда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмайди, 3.Нуриллевнинг айбсиз эканлиги аниқланади.

Шундан сўнг 3.Нуриллаев ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилади.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогарнинг ишдан бўшатилиши ҳақидаги буйруқ чиқарилишига асос сифатида тарафларнинг келишув ва 3.Нуриллаевнинг аризаси асос қилиб олинган.

Шу ўринда қонун талабига эътибор қаратсак, Меҳнат кодексининг 157-моддасига кўра, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси,

◄(Бошланиши 1-бетда)

Бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида низоларни судгача ҳал қилишнинг юқори самарали, муқобил замонавий йўналишларини кенг жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Бундан мақсад — жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммоларини самарали ҳал этишдир.

Иқтисодиётга хорижий инвесторларни жалб этишда юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилишни ёки суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида низолашаниётган тарафлар учун ўзаро келишувга ва мақбул ечимни топишга эришишни таъминловчи механизмларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Мисол учун АҚШ ва Европа давлатларида низоларни медиацияни қўллаган ҳолда судгача ҳал қилиш умумий ишлар ҳажмининг 70-80 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистонда медиация институти 2019 йилда жорий этилган. Шундай бўлса-да, 2023 йилга келиб низолининг судга қадар босқичида атиги 310 та медиатив келишув расмийлаштирилган.

Суд жараёнидаги медиация эса, фуқаролик ишларида 0,2 фоиз ва иқтисодий ишларда атиги 1,8 фоизни ташкил қилади.

Судларда иш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда фуқаролик судлари томонидан 518 минг 87 та иш қўриб чиқилган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 943 минг 892 тага етиб, икки йил ичида 46 фоиз ошган.

Судга қадар ва судда расмийлаштирилган медиа-

тив келишувлар таққосланганда, судга қадар расмийлаштирилган медиатив келишувлар сони атиги 4,2 фоизни ташкил қилишини кўриш мумкин.

Медиатив келишувларнинг асосан судда расмий-

қонун ҳужжатларига низо-ларни муқобил ҳал этишда медиация институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун сенаторлар томонидан маъқуллангани

шу жумладан, мулкий ва мерос масалалари бўйича ўзаро мақбул қарор қабул қилиш учун тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида низода медиатор сифатида иш юритиши белгиланган. Бунда нотариусларнинг медиа-

статистика маълумотларини тақдим этиш тартибини белгилаши ва таҳлил қилиши; - медиаторлар реестрига киритиш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартибини тасдиқлаши;

- Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги медиаторлар малака комиссиялари ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Медиаторлар олий малака комиссияси тўғрисидаги низо-мларни тасдиқлаши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, медиация қўлланиладиган соҳалар доираси кенгайтирилмоқда. Медиаторга доир талаблар қайта қўриб чиқилиб, медиаторларнинг непрофессионал тури чиқариб ташланмоқда ва медиаторларга олий маълумотли бўлиш талаби қўйилмоқда.

Медиаторларнинг ҳар уч йилда малакасини ошириш тартиби белгиланмоқда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этишга оид қоидалар кўзда тутилмоқда. Ҳакамлик судлари фаолияти ҳамда ҳакамлик муҳокамасини халқаро стандартларга мослаштиришга оид қоидалар киритилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши, аввало, низоларни судгача ҳал қилиш механизмларининг амалиётда самарали ишлашини таъминлайди. Шунингдек, янги қонун нормалари медиация соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали судларда иш юкламасини камайтиришга ҳамда Ўзбекистоннинг бизнес юритиш соҳасидаги халқаро рейтингда даражаси кўтарилиши ва инвестициявий нуфузи ошишига хизмат қилади.

■ Мезон

## Оила судьялари

оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда



◄(Бошланиши 1-бетда)

Бу конституциявий қоидадан ҳам кўринадики, оила институти жамият барқанал турчиқариб ташланмоқда ва медиаторларга олий маълумотли бўлиш талаби қўйилмоқда.

Медиаторларнинг ҳар уч йилда малакасини ошириш тартиби белгиланмоқда. Медиатив келишувни мажбурий ижро этишга оид қоидалар кўзда тутилмоқда. Ҳакамлик судлари фаолияти ҳамда ҳакамлик муҳокамасини халқаро стандартларга мослаштиришга оид қоидалар киритилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши, аввало, низоларни судгача ҳал қилиш механизмларининг амалиётда самарали ишлашини таъминлайди. Шунингдек, янги қонун нормалари медиация соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали судларда иш юкламасини камайтиришга ҳамда Ўзбекистоннинг бизнес юритиш соҳасидаги халқаро рейтингда даражаси кўтарилиши ва инвестициявий нуфузи ошишига хизмат қилади.

аро судининг Оила судьялари томонидан 2025 йилнинг ўтган олти ой давомида 2531 та иш қўрилган бўлса, шундан тарафлар ўзаро яраш-таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Бу ҳақда гап борганда, оилавий низоларни ўз вақтида бартараф этиш, эр-хотин ва фарзандларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш судлар зиммасидаги муҳим вазифалар сирасига киришини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасидан кўриш мумкин-ки, оилавий низоларни ҳал этишда ихтисослашган судлар юқори натижага эришмоқда.

Шу маънода дунёнинг ривожланган давлатларида ўтган асрдан бошлаб, оила судлари алоҳида ҳуқуқий институт сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Илғор хорижий тажрибани миллий тизимга татбиқ этиш мақсадида, Президентимиз томонидан 2023 йил 21 декабрда қабул қилинган “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга асосан,

суд тизимида янги институт, яъни оила судьялари ташкил қилиниши белгиланди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, тажриба тариқасида Олий суд Раёсатининг 2024 йил 3 январдаги қарорига асосан, 2024 йил 1 февралдан бошлаб, дастлаб фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган ва Мирзо Улуғбек туманлараро судида “Оила судьялари” иш бошлади.

Бугунги кунда оила судьялари томонидан оилавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 32 турдаги фуқаролик ишлари қўриб чиқилмоқда. Хусусан, никоҳдан ажратиш, алимент ундириш, оталиқни белгилаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки чеклаш, бола билан қўришиб туриш тартибини белгилаш, фарзандликка олиш, эр-хотиннинг умумий мулкани белгилаш шулар жумласидандир.

Энг муҳими, бу борадаги ислохотлар изчил давом этирилди ва Олий суд Раёсатининг 2024 йил 26 декабрдаги қарорига кўра, 2025 йил 2 январдан бошлаб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши ҳамда Чирчиқ туманлараро судларида ҳам Оила судьялари ташкил этилди.

Бугунги кунда Оила судьялари оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, фарзандлар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, бу борадаги низо-ларнинг адолатли ечимини топишда самарали фаолият олиб боришмоқда.

Масалан, фуқаролик ишлар бўйича Қарши туманлараро судида “Оила судьяси

Ҳаётда очиққўнғилик, ишонувчанлик, самимийлик энг олийжаноб фазилатлар саналади. Аммо бу фазилатлардан фарибгар кимсалар ғаразли мақсадлари йўлида ўта моҳирлик билан фойдаланиши афсусларлидир.

Шифохонага янги келтирилган беморни кўздан кечириб, ҳамширага тегишли муолажаларни буюргач, шифокор А.Файзиёв (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўз хонасига кирганда, кутилмаганда қўл телефонига кўнғироқ бўлди. Кўнғироқ қилган шахс ўзини Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили “Ойбек Муродович”, яъни малака ошириш аттестатция бўлими

■ Жиноятга жазо муқаррар

## Антиқа ФИРИБГАРЛИК

бошлиғиман деб таништирди. Сўн аллақандай хижолатомуз овозда Хоразмдан текширувдан қайтишаётганда, йўлда автомашиналари бузилиб қолганини айтди...

“Ҳамкасб, бунинг устига вазирлик ходими экан, — дея кўнглидан кечирди А.Файзиёв. — Демак, ёрдамга муҳтож, таниш бўлмасак-да, менга кўнғироқ қиялпти”.

— Сизга қандай ёрдам керак, Ойбек Муродович, — деб сўради А. Файзиёв. — Хижолатдаман, — жавоб қилди Ойбек Муродович. — Автомашинамиз кутилмаганда бузилиб, шу десангиз, бироз харажатга қийналиб қолдим. Таъмирлатиш учун икки миллион эллик минг сўм керак бўляпти. Шунимкон бўлса, пластик картамга ташлаб

берсангиз, ишга қайтган заҳотиёқ пулингизни пластик карточкангизга ташлайман.

Қисқаси, А.Файзиёв унинг сўзлари-га зигирча шубҳа қилмади, аксинча, вазирликда ишлайдиган ҳамкасбига ёрдами тегишини ўйлаб, ичидан мамнун бўлди.

Шу боис у ўзига тегишли пластик картадан 1 миллион 700 минг сўм, турмуш ўртоғининг пластик картасидан 350 минг сўм, жами 2 миллион 50 минг сўмини унинг пластик картасига ўтказиб берди. Кейин пул тушганини билиш учун унга кўнғироқ қилди.

— Катта раҳмат, пул тушди, тезда қайтараман, — деди Ойбек Муродович.

(Давоми 4-бетда) ►

## ёзилган ариза

ноқонуний буйруқ суд тартибида бекор қилинди, ходим ишга тикланди



З.Нуриллаёв эса, 2024 йил 12 декабрь кунига қадар иш фаолиятини давом эттирган. Бу ҳолат фуқаролик ишида мавжуд бўлган даъвогар З.Нуриллаёв томонидан бошқарма бошлиғига, турли давлат ташкилотлари ҳамда фуқароларга филиал бошлиғи сифатида юборилган сўров хатлари ва сўров хатларига берилган жавобларда аниқ кўриниб турибди.

Бундан ташқари “Топпириш - қабул қилиш тўғрисида”-

ги далолатнома ҳам 2024 йил 12 декабрь куни тузилган. Бу ҳолат ҳам даъвогар З.Нуриллаёв филиал раҳбари сифатида шу санага қадар ишлаб келганидан далолат беради ва бундай ҳолатда ишдан бўшаш тўғрисидаги ариза ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли

қарори 21-бандида қайд этилишича, меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу ташкилотдаги ишни ҳақиқатда ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига биноан йўл қўйилади.

Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижа-сида беранглиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширишлари лозим.

Бунда судларнинг эътибори ходимни ариза ёзишга нафақат мажбурлаш, босим ёки таъйиқ ўтказиш, балки ходимда меҳнат муносабатларини тугатиш истаги бўлмайтириб, иш берувчи томонидан уни ариза ёзишга фаол равишда ундаш ҳаракатлари ҳам қистов сифатида баҳоланиши лозимлигига эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилган.

З.Нуриллаёв судга тақдим этган даъво аризасида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги келишувга ўз ихтиёри билан эмас, балки иш берувчининг таъйиқи ва босим ўтказиши оқибатида имзо қўйгани, агар келишувга имзо қўймаса, бошқа модда,

яъни меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси-га асосан бекор қилинишини айтиб, уни келишув тузишга мажбур қилишганини таъкидлаган.

Қонун талабига кўра, ходимнинг аризаси, ҳақиқатан ҳам, унинг ишдан бўшаш истаги ва ташаббусини билдирувчи асосий ҳужжат саналади. Аммо З.Нуриллаёвни ишдан бўшатиш ташаббуси, аслида, раҳбардан чиққан. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган терговга қадар бўлган суриштирув натижалари ҳам ходимдан ишдан бўшаш ҳақидаги аризани қистов, босим ва таъйиқ йўли билан олинганлигини тасдиқлайди.

Меҳнат кодексининг 561-моддасига кўра, меҳнат шартномаси асоссиз бекор қилинган, ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган, меҳнат шартлари ўзгартирилган ёҳуд ишдан четлаштирилган ҳолларда якка тартибдаги меҳнат низо-сини кўриб қувувчи орган ходимни аввалги ишга, шунингдек, аввалги меҳнат шартларини ҳам тиклайди.

Суд юқорида кўрсатилган қонун талабларидан келиб

#### ◄ (Бошланиши 1-бетда)

Холбуки, у XIX аср бошларида Кўконда туғилган йирик тарихчи, адабиётчи, сайёх, географ ва маърифатпарвар олимдир. Катта ақл-заковат соҳиби бўлган бу инсон “Мунтахаб ат-таворих” асарида тасвирланган аксар воқеаларнинг гувоҳи ва бевосита иштирокчисиدير. Муҳаммад Ҳакимхон Амир Умархоннинг жияни, онаси эса, амирнинг синглиси бўлган. Бутун умри сарсонлик-саргардонликда кечган бу инсон Хонпошшани яхши билган. Шунинг учун ҳам, унинг Амир Умархон ва унинг канизаги ҳақидаги хотиралари тарихий хужжат мақомига эга.

“Мунтахаб ат-таворих” асарини пухта ўрганган тарихчи Э.Хуршутнинг ёзишича, Умархон Кўкон хонлиги вилоятларига қилган сафарларидан бирида Шахрихонда тўхтаб, шаҳар ҳокими Жилвдор иноқ ва унинг хотини билан учрашади. Шу воқеадан аввал Ўратепада яшаган ва қандайдир гуноҳи учун у ердан бадарға қилинган Саидғози деган киши оиласи билан Шахрихонга кўчиб келган, бегона кишилар орасига тушиб қолгани учунми, хилватда, ночор бир аҳволда яшаётган экан. Ҳокимнинг хотини шу ҳурматли инсон аҳволига ачинганиданми ё бошқа манфаат юзасиданми, Шахрихонга келган хон хузурига қириб, уни шу воқеадан воқиф этади. Сўнгра гап орасида Саидғозининг Хонпошша деган соҳибжамол қизи борлигини айтади. “Қиз шунчалар гўзалки, — дейди у, — агар хон ҳазратлари у билан учрашиб қолсалар, нур таратиб турган куёш қизнинг порлоқ чехрасидан уялиб, юзига булутлардан парда тортиб олишини, унинг хиромон қадди-қоматидан, хушбўй бинафша гуллар эса, унинг кокиллари таратган мушк-анбардан хижолат чекиб қолишини кўрадилар”, — дейди у.

“Аёл қизнинг таъриф-мақтовини шу қадар келтириб тасвирлайдики, — деб ёзади Э.Хуршут Муҳаммад Ҳакимхоннинг тасвирига асосланиб, — Умархон шу кечасиёқ буйруқ бериб, совчилик ишларида тажрибаси катта икки кайвони кампирни Саидғозихўжанинг уйига юборади. Лекин хон ҳазратларига қуда бўлмок қанчалик шараф ва обрў келтирмасин, ота бу хушхабардан қувонмайди. Ва қизининг аллақачон унаштириб қўйилганлигини, шу яқин кунларда жияни ва қизининг тўйи бўлишини айтиб, совчилардан узр сўрайди.

Совчилар шу заҳоти хон хузурига қайтиб, эшитганларини оқизмай-томизмай унга етказишади. Хон кампирларни яна изига қайтариб, уларга Баҳодирхўжа дастурхончини ҳам бирга қўшиб юборади. Бу сафар совчилар илтимоси ва панд-насихатлар билангина чекланиб қолмайдилар. Орага дўқ-пўписа ва таҳдидлар ҳам аралашган, Саидғозихўжа йиғлаб,

#### ◄ (Бошланиши 3-бетда)

\* \* \*

А.Файзиев вазирлик ходими-га ёрдам берганидан мамнун бўлиб ўтирган пайтда, буни қарангки, тиббиёт бирлашмасининг бошқа бир хонасида бош ҳамшира З.Турсунованинг ҳам қўл телефони тўсатдан жиринглаб қолади. Кўнғироқ қилувчи ўзини Соглиқни сақлаш вазирлиги вакили “Ойбек Муродович”, яъни малака ошириш аттестатция бўлими бошлиғи деб таништиради. Ўртадаги суҳбат худди А.Файзиев билан қандай кечган бўлса, шундай рўй беради.

З.Турсунова ҳам унинг сўзларига ишонади ва ўзининг пластик картасидан 2 миллион эллик минг сўм ўтказиб беради.

\* \* \*

Нарпайлик икки жабрланувчига ўзини “Ойбек Муродович” дея таништирган ўша кимса шу йилнинг 18 апрель куни Андижон вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ахборот таҳлил бўлими бошлиғи Д.Мамадиёровга телефон қилади. Бу гал у ўзини Фавқуллода вазиятлар вазирлиги академиясида ишловчи “полковник Ибрагимов” деб таништиради. Шундан сўнг мударрага кўчиб, делегация билан бирга қўшни республикадан хизмат сафаридан қайтиб келаётгани, ҳозир Хўжаобод туманидаги “Дўстлик” чегара пости орқали ўтаётгани-

#### ●Тарих тилсимлари



бошига қулфатлар ёғдирган, ўзини ва жигарпораларини дарбадарликка, сургунга гирифтор қилган золим фалақдан, шум қисматдан шикоятлар қилади. Унинг қизи бошқа бировга унаштириб қўйилган, шунинг учун ҳам, хон ҳазратлари на урф-одатга, на шариатга биноан уни жуфти ҳалолликка қабул қилолмайди. “Нахотки, хон ҳазратлари куч ишлатиб, қизни зўравонлик билан тортиб олиб кетса?! Биз ожиз ва ҳимоясиз фақирлармиз”. Шу гапларни айтиб, хўжанинг кўз ёшлари сел бўлиб оқади...”

“Хоннинг сабрсизлиги, — давом этади Э.Хуршут, — шу даражага етган эдики, шу куннинг ўзидаёқ тўй-тантаналарга тадорикни бошлаб юборишди. Қиз бечоранинг кийимлари ямоқ босиб кетганилқдан унга ҳатто хизматкор ходималар ҳам ачиниб қарашди. Улар Хонпошшани ювиб-тараб, ипак қўйлақларга ўраб қўриқдан ўтказдилар, қизнинг ҳуснини қўриб, пол-ҳайрон бўлиб қолдилар ва шариат қонунларига мувофиқ Умархонга узатдилар”.

Муҳаммад Ҳакимхон бу воқеаларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган, ҳатто Хонпошшага устоз ва ота даражасида яқин бўлган. Бинобарин, “Мунтахаб ат-таворих”даги Умархоннинг унга тўй қилиб уйлангани, Мадалихоннинг отаси вафотидан кейин эса, унга уйланиб, уч нафар фарзанд кўргани ва бошқа воқеалар ҳақидаги хотиралар тарих хужжатлари сифатида баҳоланиши мумкин.

Мадалихоннинг Хонпошшага уйланиб, ундан фарзанд қўриши нафақат руҳонийлар, балки Кўконнинг улар таъсиридаги аҳолисидан ҳам ёш хонга нисбатан нафрат уйғотади. Хонпошша бир-биридан даҳшатли воқеалар гирдобига тушади. Хонпошшанинг гўзаллиги овозасидан сархуш бўлиб, Кўконга лашкар тортиб

келган Насрулло уни Бухорога олиб кетиб, унга уйланади. Аммо Хонпошша ва унинг ўғиллари, номаълум сабабларга кўра, Амир Н а - срулло буйруғи билан қатл этилади. (Ҳакимхоннинг ёзишича, миш-мишларга қараганда, унинг фарзандлари тирик қолишган.)

#### ЕТИБ КЕЛМАГАН РОМАН

Ҳ.Қодирийнинг ёзишича, адиб унга бундай деган: “Романга керакли материаллар етарли бўлиб қолди. Энди Тошкент “Шарқ” кутубхонасида Умархоннинг укаси ёзган, ўша давр тарихига оид нодир бир қўлёзма бор экан, шу китобни ҳам бирор ой ўтириб ўқиб чиқсам ва Бухорога бир бориб келсам, бас. Уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб олиб, бир қиш қаттиқ ўтирсам, романни ёзиб битираман”.

Абдулла Қодирий бу сўзларни 1937 йил 14 июль куни “Қизил Ўзбекистон” газетасида ёзувчилар пленуми яқунлари ҳақидаги мақола чиққанидан кейин айтган кўринади. Бу сўзларни ўқиган китобхонда, албатта, қўша-қўша саволлар туғилади. Агар Қодирий “Шарқ” кутубхонасидаги “ўша давр тарихига оид нодир бир қўлёзма”ни ханузгача ўқимаган, амирнинг канизаги Хонпошшанинг Бухородаги ҳаётини ўрганмаган, “бир қиш қаттиқ ўтириб”, романни тугатиш у ёқда турсин, ҳатто бошламаган бўлса, қандай қилиб пленумда романни “ёзувчилар коллективи” қўриб чиқиши учун яқинда топширажагини айтган?!

Ҳамма гап шундаки, “халқ душмани” сифатида айбланган ёзувчилар отиб ташланган, ҳатто уларнинг номларини тилга олиш, асарларини ўқиш сиёсий жиноят деб қаралган мудҳиш йилларда улар маълум даражада халқ хотираси-

дан кўтарила бошлаган. “Халқ душманлари”нинг Ҳ.Қодирий сингари жабрдийда фарзандларида ҳам оталарининг ёзувчи сифатида адабиётдан ўрин олишига бўлган умидлари саргая бошлаган. Шу ҳол туфайли уларнинг “хотира сандиқлари”даги кўп нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган.

Модомики, Абдулла Қодирий пленум минбарига чиқиб, янги романини яқинда топширажаги ва уни “ёзувчилар коллективи” муҳокамасига тавсия этажагини айтган экан, демек, у “Амир Умархоннинг канизи” романини ёзиб тугаллаган ёки тугаллаш арафасида бўлган. Акс ҳолда, Абдулла Қодирийдек бир сўз инсон ва адиб Ўзбекистон ёзувчиларининг жамоаси олдида бундай ваъдани бермаган бўларди.

Камина Абдулла Қодирийнинг бизга етиб келмаган шу сўнгги романи ҳақида уйланар эканман, адибни яхши билган ва унинг ҳурматини қозонган сиймолардан бири Музайяна Алавиянинг қуйидаги хотираси ёдимга келади:

“Абдулла ака, — деб ёзган эди олима, — кўпича ўз хонасида мутлола ва ёзиш билан машғул бўлиб ўтирарди...

...Бир куни Абдулла акани қизиқ ҳолатда кўрдим. Хонасида узоқ ўтириб, китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари ййлагансимон, аммо руҳи баланд эди. Ҳайрон бўлиб қараб қолганимни сезиб: “Уйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса, қўрқаманки, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларимни ҳеч ким ўқимай қўяди, дейман”, — деди”.

Адиб ижодхонасидан ййлагансимон бўлиб чиққанида, балки амир Умархоннинг канизи Хонпошша бошига тушган фожиали воқеаларни тасвирлаб туриб, шундай маъносона, ғамгин, мунгли руҳий ҳолатга тушган бўлса, ажаб эмас.

Мен Музайяна опанинг бу хотирасини ўзидан ҳам эшитганман. “Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида” тўпламида босилган мақоласини эса, қайта-қайта ўқиганман. Ва ҳар сафар Музайяна опанинг хотирасини ўқир эканман, Иззат Султоннинг сўзлари яна жарағлаб юборгандай бўлади: “Наимжон, Қодирий “иш”и билан танишаётганингизда тергов материалларини синчковлик билан ўрганинг... Савол-жавоблар Қодирий қўлёзмаларининг орқа томони-га ёзилган... Қодирий “иш”ини ўрганиб чиқиб, ёзма кўрсатма беришим зарур бўлганида, менга орқа саҳифаси ёзилган бир неча қоғозларни беришди... Улар Қодирийнинг сўнгги романи қўлёзмаси саҳифалари экан!”

Шояд азиз-авлиёлар руҳи қўллаб, улар ўзбек адибининг энг сўнгги асари “Амир Умархоннинг канизи” романи қўлёзмасини топиш шарафига миясас бўлсак...

билан “чув” туширади.

Ўзгаларни алдаб, осон бойлик топиш илминига олис манзилларни кўзлаган бу кимса ўтган йилнинг 18 апрель куни Андижон вилоятининг Хўжаобод туманига борган ва туман фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғи Ф.Назаровни нишонга олган.

Аммо бу фирибгар кимса қанчалик маккор ва устомон бўлмасин, барибир муқаррар жазодан қутулиб қололмади. Охир-оқибат қилмишлари ошкор бўлиб, қонун олдида жавоб берди.

Суд фирибгарликини қасбга айлантирган Ф.Орзикуловни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор топди ва қилмишига яраша қонуний ҳамда адолатли жазо тайинлади.

Атрофимизда очиқ кўнгил, самимий инсонлар кўп. Лекин ўзининг қиркин максадидан бошқасини ўйламайдиган фирибгар кимсалар ҳам йўқ эмас. Бунинг устига, бундай кимсаларнинг пешонасида фирибгар деб ёзиб қўйилмаган.

Бундай вазиятда ҳаётга очиқ кўз билан қараш, хушёрлик ва оғоҳлик кишини бундай иллатлардан муҳофаза қилишини унутмаслик керак.

**Бекзод ЖУМАОБОВ,**  
*жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани суди раиси*

#### ■Ҳуқуқий маърифат

## Бебаҳо экологик тизимни сақлаш — БИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР

#### ◄ (Бошланиши 1-бетда)

Шу конституциявий нормалар негизида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун 2024 йил 22 ноябрда қучга кирди.

Бу ҳақда сўз борганда, мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,321 миллион гектардан иборат эканини таъкидлаш лозим. Ушбу миқдор юртимиз ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил этади.

Аммо сўнгги пайтларда қонуний ов қилиш, браконьерлик туфайли ҳайвонот ва наботот оламининг айрим турлари сони тобора камайиб кетмоқда.

Шу мақсадда 2024 йил 22 ноябрда қабул қилинган қонун билан амалдаги 2 кодекс ва 2 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят кодекси ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсининг фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилган янги нормалар билан тўлдирилди.

Жиноят кодексининг 202-моддасидаги янгиликка кўра, электр токини, портловчи, кимёвий моддаларни ёки биологик препаратларни қўллаган ҳолда ов қилиш ёхуд балиқ овлаш учун 150 миллион сўмдан 225 миллион сўмгача, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 3 йилдан 5 йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд озодлиқдан маҳрум

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ўз ҳудудида биналарни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш чоғида белгиланган талабларни бузиб, кимёвий, биологик воситаларни қўллаган ҳолда дарахтларни, буталарни ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, пайҳон қилиш ёки йўқ қилганлик учун фуқароларга 13,1 миллион сўмдан 18,7 миллион сўмгача (БҲМнинг 35 бараваридан 50 бараваригача), мансабдор шахсларга эса 22,5 миллион сўмдан 28,1 миллион сўмгача (БҲМнинг 60 бараваридан 75 бараваригача) жарима белгиланди.**

Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини бузганлик, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик икки баравар оширилди. Қисқача айтганда, ушбу қонун ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш билан бирга уларнинг сони қўпайтирилишига, ўсиш ва яшаш шaroитлари яхшиланишига замин яратди. Аини чоғда, ушбу қонун экологик барқарорлиқни таъминлаш, табиий ресурсларнинг ҳимояланишига хизмат қилмоқда.

**Ҳаётжон ТОЛИБЖОНОВ,**  
*Тошкент давлат юридик университети ходими*

ни айтаркан, Хўжаобод тумани фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғи билан алоқа ўрнатиб беришини сўрайди.

Ўз навбатида, Д.Мамадиёров туман фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғи А.Назаровни “полковник Ибрагимов” излаёт-

ровнинг пластик картасида бунча пул йўқ эди. У дарҳол ҳамкасби Олимжон Келдиёровга кўнғироқ қилади ва вазиятни тушунтиради. “Полковник Ибрагимов”га пул қўчириб беришини, кечгача ўзи унинг пулини қайтаришини айтади. О.Келдиёров



ганидан дарҳол хабардор қилади ва унинг телефон рақамини беради. А.Назаров ҳам кўнғироқ қилганда, нариги тарафдаги киши ўзини “полковник Ибрагимовман” дея таништираркан, Қирғизистондан Ўзбекистонга қайтаётганини маълум қилиб, “...тўлов қилишим керак, шунга пулим етмапти, агар пулингиз бўлса, 3 миллион 700 минг сўм пластик картамга ўтказиб юборсангиз, илтимос. Тошкентга қайтган заҳотиёқ пулни қайтариб бераман”, дейди.

Аксига олиб, Алишер Наза-

ҳамкасбининг, Алишер Назаров эса, янги танишини илтимосини шу тариқа бажаришади.

Орадан кунлар ўтади. Аммо ваъда қилинган пулдан дарак бўлмайди. Шундан сўнг А.Назаров танишларидан сўраб-суриштирганда, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги академиясида “Ибрагимов” деган шахс умуман ишламаслиги маълум бўлади. Бундан ҳайрон бўлган А.Назаров бу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида, ариза билан икки ишлар идорасига мурожаат қилади.

#### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ  
Икром МУСЛИМОВ  
Олимжон ИСМАИЛОВ  
Шухрат ПОЛВАНОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ  
Жамшид САДИНОВ  
Муродулло ҚОДИРОВ  
Замира ЭСАНОВА  
Азиз АБИДОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

#### Сахифаловчи:

Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolata@mail.ru**  
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нархда. Адади: 3119  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21<sup>00</sup>. Топширилди: 22<sup>00</sup>.